O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI JIZZAX VILOYATI
ZAFAROBOD TUMAN HOKIMINING
QARORI

708806 Zafarobod sh. Mustaqillik ko’chasi 1-uy. Tel (72)472-24-20 e-mail:zafarobod.t@exat.uz

2021 - yil 6 - noyabr 88-3-50-Q/21 Zafarobod tuman hokimligi

Дафн этиш жойларини сақлаш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида

“Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуннинг 25-моддаси, “Дафн этиш ва дафн иши тўғрисида”ги Қонуннинг 15-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Дафн этиш ва дафн иши тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида” 2011 йил 4 апрелдаги 101-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Туманда дафн этиш жойларини сақлаш қоидалари (кейинги ўринларда – қоидалар) иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Туман ҳокимлиги бир ойлик муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Дафн этиш ва дафн иши тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида” 2011 йил 4 апрелдаги 101-сонли қарорига мувофиқ Дафн этиш жойларини сақлаш қоидаларини ишлаб чиқиб тасдиқласин.

3. Туман Қурилиш бўлими (Х.Абдиев), Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бўлими (Х.Бўтаев), Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш инспекцияси (Т.Авезов), Ободонлаштириш бошқармаси (Ш.Эшатов):

қоидаларнинг тегишли қабристонларда бир хилда ижро этилиши;

қоидаларда белгиланган нормалар маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллар) билан биргаликда доимий тарғиб қилиб борилиши

таъминлансин.

4. Мазкур қарор “Зафар йўлидан” газетасида расман эълон қилинсин ва ҳокимликнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин, ушбу қарор расман эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Қ.Ризаев зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими **Н.Раджапов**

Зафаробод туман ҳокимининг
2021 йил 6 ноябрдаги
88-3-50-Q/21-сон қарорига
1-илова

Зафаробод туманидаги дафн этиш жойларини сақлаш қоидалари

I. Умумий қоидалар

1. Зафаробод туманидаги дафн этиш жойларини сақлаш қоидалари (кейинги ўринларда – қоидалар) тегишли дафн этиш жойларини (кейинги ўринларда – қабристон) ва қабр усти ёдгорликлари иншоотларини сақлаш, улардан фойдаланиш тартибини белгилайди.

2. Қабристонларни ободонлаштириш, сақлаш ва улардан фойдаланиш, дафн этиш хизматлари кўрсатиш бўйича бевосита фаолият Ободонлаштириш бошқармаси томонидан вилоятнинг маҳаллий аҳолиси, шунингдек бошқа миллатлар ва халқларнинг мавжуд анъаналари, урф-одатлари ва удумларига мувофиқ амалга оширилади.

II. Қабристонларни сақлаш

3. Қабрлар, сағаналар, шунингдек дафн этишни амалга оширишга мўлжалланган бошқа бинолар ва иншоотларни барпо этиш учун экологик, санитария, шаҳарсозлик ва бошқа меъёрларга ҳамда мазкур қоидаларга мувофиқ ажратилган ер участкалари қабристонлар ҳисобланади. Қабристонлар қонун ҳужжатларига мувофиқ моддий маданий мерос объектлари жумласига киритилиши мумкин.

4. Ободонлаштириш бошқармасига қабристонларни зарур даражада сақлаш, улардан фойдаланиш, дафн этиш хизматларини кўрсатиш, ободонлаштириш бўйича вазифаларни бажариш мажбурияти юкланади.

5. Ҳар бир қабристон қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланган меъёрлар бўйича тегишли ходимларга эга бўлиши керак.

6. Ободонлаштириш бошқармаси томонидан қабристонларни ободонлаштириш, мукаммал ва жорий таъмирлаш, уларни зарур даражада сақлаш маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Қабристонларни сақлаш ва ободонлаштиришда, Ободонлаштириш бошқармаси билан келишилган холда, юридик ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий хайр-эҳсонларидан ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмагида ҳашар йўли билан ўрнатилган тартибда фойдаланиш мумкин.

7. Қабристоннинг номи акс эттирилган асосий кириш жойида (ички томонида) қуйидагилар ўрнатилади:

маъмурий ва бошқа бинолар, йўллар, хиёбонлар, тарихий ва мемориал қабрлар, умумий фойдаланиш ҳожатхоналари ва бошқа объектларнинг жойлашиши белгиланган ҳолда қабристоннинг схематик тархи;

қабристоннинг иш жадвали (зиёрат қилиш қоидалари) ва бошқа йўл-йўриқ ҳужжатлари қўйилган кўргазма тахта;

фуқароларга хизмат кўрсатиш бошқармаси раҳбарияти, қабристон учун масъул бўлган ходимлар ва алоқа боғлаш телефонлари, қабр қазиш ва дафн этиш хизматлари учун тарифлар ҳамда мазкур қоидалар кўрсатилган маълумотлар.

8. Қабристонлар ҳар куни зиёратлар ва дафнлар учун очиқ бўлиши керак.

9. Қабристон ҳудудида қуйидагилар тақиқланади:

жамоат тартиби ва сокинликни бузиш, маст-аласт, гиёҳвандлик ва бошқа хил наркотик моддалар таъсири ҳолатида бўлиш;

қабр усти ёдгорликларига ва яшил ўсимликларга шикаст етказиш;

қуруқ ўт, барг, шох-шаббаларни ёқиш;

мевали кўчатлар ўтказиш;

мол ва бошқа уй жониворларини боқиш;

қишлоқ хўжалиги экинларини ўстириш;

қабристонларга транспорт воситасида кириш (ногирон ва кексаларни, қабристон учун зарур жиҳоз ва буюмларни олиб кириш бундан мустасно).

10. Қабристоннинг масъул ходимлари, дафнларни ва ўрнатилаётган қабр усти ёдгорликларини рақамланган ва ип билан тикилган ҳамда Фуқароларга хизмат кўрсатиш бошқармаси томонидан муҳрланган дафтарларга қайд этишлари, шунингдек электрон базани юритиш учун Фуқароларга хизмат кўрсатиш бошқармасига маълумот тақдим этишлари шарт.

Дафн этишни амалга ошириш ҳуқуқини берадиган барча ҳужжатлар — фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органлари томонидан бериладиган ўлим ҳақидаги маълумотнома, аввалда дафн этилган яқин қариндошларнинг ўлганлик тўғрисидаги тегишли ҳужжатлар нусхаси, дафн этувчи жисмоний ёки юридик шахснинг аризаси, белгиланган тартибда тикилиши ва сақланиши керак.

Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органлари томонидан бериладиган ўлим ҳақидаги маълумотнома Фуқароларга хизмат кўрсатиш бошқармаси архивида сақланиши шарт.

11. Фуқароларга хизмат кўрсатиш бошқармаси ва қабристоннинг масъул ходимлари қуйидагиларни таъминлаши шарт:

қабристон ҳудудида зарур даражадаги тартибни таъминлаш ва мазкур қоидалар ҳамда бошқа тегишли қонун ҳужжатларининг талабларини қатъиян бажариш;

бош хиёбон, асосий ва иккинчи даражали йўлларда тўсиқсиз юриш ва ўтиш имкониятини (қишда қордан тозалаш, музни парчалаш, қум сепиш, ёзда ўрилган ўтларни ўз вақтида олиб кетиш ва шу кабиларни) таъминлаш;

эскирган (қуриган) дарахтларнинг ағдарилиши ва қабр усти ёдгорликларини шикастлашига йўл қўймаслик учун уларнинг ўз вақтида кесилишини таъминлаш ишлари Табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг хулосаси
ва қабристон жойлашган туман ободонлаштириш боқармасининг қарорига асосан амалга ошириш;

умумий фойдаланиш жойларини тоза сақлаш, қабристондан чиққан чиқиндилар учун махсус яшик ва қутилар ўрнатиш ҳамда чиқинди тўплаш жойлари ташкил этиш, чиқиндиларни қабристон ҳудудидан ўз вақтида олиб чиқилишини таъминлаш;

муҳандислик иншоотларининг зарур даражада ишлашини таъминлаш, ташқи тўсиқ, бино ва иншоотлар, йўллар, муҳандислик тармоқлари ва иншоотларининг жорий ва мукаммал таъмирланишини амалга ошириш ҳамда кўкаламзорлаштириш;

барча турдаги яшил ўсимликларни суғориш ва парваришлашни таъминлаш, уларни янгилаш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг буюртманомаларига кўра дафн учун ушбу қоидалар билан белгиланган ўлчамда жой (участка) бепул бериш;

марҳумларни қабр қазиш меъёрлари ва қоидаларига риоя этган ҳолда дафн этишни таъминлаш;

қабрнинг рўйхат рақами кўрсатилган бетон устунча ўрнатиш;

анжомларнинг (белкурак, паншаха, пақир, хокандоз, супурги, замбил ва ҳоказоларнинг) етарли миқдорда бўлишини ва уларнинг фуқароларга қабрларга қараш учун бепул тил хат билан берилишини таъминлаш;

қабристонда зарур даражадаги тартибни таъминлаш бўйича, шу жумладан, хотирлаш кунлари, умумхалқ ҳашарида қабрларни суваш ва бошқа тадбирларни ташкил этишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорлик қилиш;

хизматлар учун ҳоким қарори билан белгиланган тарифлар бўйича ҳисоб-китоб қилган ҳолда жисмоний ва юридик шахсларнинг қабристонда кўрсатиладиган хизматларга доир буюртмаларини ўз вақтида ва сифатли бажариш;

қабр усти ёдгорликларини ўрнатиш тартибига биноан уларнинг ўлчамларини, ҳудудни кўкаламзорлаштириш учун дарахт ва буталарнинг турларини тўғри танлашга риоя этилишини назорат қилиш;

дафн этилганнинг қариндошларига таъмир талаб қабр усти ёдгорлиги тўғрисида ёзма хабар қилиш ва уни тузатишни талаб қилиш;

гўр қазувчи ишчиларга санитария қоидаларини ҳамда диний ва маҳаллий анъаналарни ҳисобга олиб, меъёрларни қатъиян бажарган ҳолда ишларни бажаришнинг хавфсиз усулларини ўргатишни ташкил қилиш;

қабр усти ёдгорликларининг сақланишини таъминлаш, улар ўғирланган, бузилган, вайрон қилинган тақдирда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларини ва ёдгорликларнинг эгаларини хабардор қилиш;

ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этилишини таъминлаш, ёнғинга қарши зарур миқдордаги анжомлар билан бутлаш;

қабристоннинг бутун ҳудудини — қабрлар усти билан ҳар йили камида икки марта (Хотира куни ва диний байрамлар арафасида) ҳар томонлама супуриб-сидиришни амалга ошириш.

12. Қабристон хизматларидан фойдаланувчи жисмоний ва юридик шахслар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

тегишли диний конфессия қабристонида вафот этган яқинлари ва қариндошларини дафн этиш учун ушбу қоидалар билан белгиланган ўлчамда бепул жой (участка) олиш;

санитария қоидалари ҳамда бошқа қоидалар ва меъёрларга зид бўлмаган диний маросимлар ва маҳаллий анъаналарга риоя этган ҳолда дафн этиш удумини бажариш;

маросим хизматларидан фойдаланиш ва уларга ҳоким қарори билан тасдиқланган миқдордаги тарифлар бўйича ҳақ тўлаш;

буюртирилган хизматларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини қабристон маъмуриятидан талаб қилиш;

қабрга ва қабр усти ёдгорликларига қараш учун қабристон анжомларидан бепул фойдаланиш;

Ободонлаштириш бошқармаси билан келишган ҳолда яқинлари ва қариндошларининг қабрларига ушбу қоидалар билан белгиланган ўлчамда қабр усти ёдгорликларини ўрнатиш.

III. Қабрларни сақлаш ва қабр усти ёдгорликларини ўрнатиш

13. Дафн этишни амалга оширган жисмоний ва юридик шахслар қабрлар ҳамда қабр усти ёдгорликларини зарур ҳолатда сақлаши шарт (чўккан қабр ва ёдгорлик хамда лавҳаларни тиклаш, қабрларни суваш, яроқсиз ёдгорликларини олиб ташлаш ва х.к.).

14. Фуқароларга хизмат кўрсатиш бошқармаси ва қабристоннинг масъул ходимлари билан келишган ҳолда, дафн этилган жой (участка) доирасида, узунлиги 1,5 метр, эни 1 метр ва баландлиги 0,5 метр (қабр устидаги тупроқ тепалиги баландлиги даражасида), ёзувлар учун вертикал плитанинг баландлиги 1 метргача бўлган ўлчамда қабр усти ёдгорликларини ўрнатишга (кўришга) йўл қўйилади.

15. Қабр атрофига металл ва бошқа ашёлардан ясалган тўсиқларни ўрнатиш, қўшни қабрларнинг ҳудудларини ва бўш жой (участка)ларни эгаллаб оладиган қабр усти ёдгорликларини барпо этиш тақиқланади.

16. Бюстлар, ҳайкалтарошлик ёдгорликлари ёки алоҳида архитектура шаклига эга бўлган иншоотларни ўрнатишга фақат лойиҳа-смета ҳужжатлари ҳамда хокимнинг қарори асосида рухсат берилади.

17. Қабр усти ёдгорликларининг жойлаштирилиши, шунингдек дарахт ва буталар ўтқазиш ишларини амалга оширишдан аввал маъмурияти билан келишилади.

18. Қабр усти ёдгорликларининг ўрнатилиши қабристоннинг масъул ходимлари томонидан қабр усти ёдгорликларини рўйхатдан ўтказиш дафтарида рўйхатдан ўтказилиб, унда қабр жойлашган чизма (харита), қатори ва рақами, дафн этилган кишининг фамилияси, исми-шарифи, ёдгорлик ўрнатилган сана, ёдгорликнинг қисқача тавсифи (ёдгорликнинг ҳажми, ранги ва кўриниши ҳақидаги маълумотлар), уни ўрнатган шахсларнинг манзили, фамилия, исми шарифлари кўрсатилади.

19. Барча қабр усти ёдгорликлари уларни ўрнатган жисмоний ва юридик шахсларнинг мулки ҳисобланади.

20. Фуқароларга хизмат кўрсатиш бошқармаси ташаббуси билан қабр усти ёдгорликларини бузиб ташлашга йўл қўйилмайди, эскириб кетган қабр усти ёдгорликларини эгалари тузатишдан бош тортган, улар белгиланган тартибда эгасиз деб топилган ҳоллар бундан мустасно.

Қабр усти ёдгорликларини бузиб ташлаш, Ободонлаштириш бошқармаси кўрсатмасига асосан қабр усти ёдгорликларининг элементлари албатта тавсифланган, қабристон жойлашган ҳудуддаги ўзини ўзи бошқариш органи билан келишилган бузиб ташлаш далолатномаси асосида, қабристон ходимлари томонидан амалга оширилади.

IV. Дафн этиш тартиби

21. Дафн этиш – марҳумнинг жасадини ва сақлаб қолинган тана қисмларини санитарияга оид ҳамда бошқа меъёрлар ва қоидаларга зид бўлмаган урф-одатлар ва анъаналарга мувофиқ ерга кўмиш йўли билан амалга оширилади. Дафн этиш муайян диний конфессия қабристони ҳудудида бажарилади.

22. Марҳумни дафн этиш эр (хотин), ота-она, фарзандлар ва бошқа қариндошлар ёки марҳумнинг қонуний вакили, бундай шахслар бўлмаса – зиммасига дафнни амалга ошириш мажбуриятини олган бошқа шахснинг аризасига асосан амалга оширилади.

23. Дафн этишга рухсатни қабристоннинг масъул ходими фақат фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органлари томонидан берилган ўлим тўғрисидаги маълумотнома тақдим этилганидан кейингина беради.

24. Дафн этиш учун жой (участка) марҳум ишлаб турган, яшаб турган ёки рўйхатда турган ҳудуддаги қабристонлардан бепул ва қатъиян санитарияга доир ва бошқа қоидалар ҳамда меъёрларга мувофиқ ажратилади.

Истисно тариқасида, марҳумнинг хоҳиш иродасини бажариш мақсадида қариндошларнинг розилиги билан уни қабристон муддати (тупроқ хусусиятига қараб 10 – 20 йил) тугаган яқин қариндошлари қабрига дафн этиш мумкин, бунда қариндошлигини тасдиқловчи ҳужжатлар (туғилганлик, никоҳ ва ўлим тўғрисидаги гувоҳномалар) тақдим этилади.

Оилавий ва маҳаллалар учун алоҳида жой (участка)лар (хилхона) ажратилишига йўл қўйилмайди.

25. Қабристоннинг масъул ходимлари ҳар бир дафн этишда рўйхатдан ўтказиш дафтарига қуйидаги маълумотларни қайд этадилар:

дафн этиш йили, ойи, куни;

қабр жойлашган чизма (харита), қатори ва рақами;

фамилия, исм-шариф, яшаган манзили;

туғилган йил, ой ва кун;

ўлим сабаби ва унинг йил, ой ва куни;

ўлим тўғрисидаги ҳужжатнинг санаси ва ким томонидан берилганлиги;

марҳумнинг қариндошлари ёки қонуний вакилининг, агар бундай шахслар бўлмаса — зиммасига дафн этиш мажбуриятини олган бошқа шахснинг фамилияси, исми-шарифи, манзили.

26 Дафн этилган шахсларни сақланиб қолган тана қисмларини олиш ва уларни янги жойга олиб ўтиш мумкинлиги ҳақидаги Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бошқармасининг хулосасига асосан, қумлоқ ва кам тупроқли жой (участка)ларда дафн этилгандан кейин камида бир йил ўтгач, чириш ва минералга айланиш жараёнлари секин бўладиган нам тупроқларда эса – камида уч йил ўтгач йўл қўйилади. Бу иш Ободонлаштириш бошқармаси вакиллари ва манфаатдор шахслар иштирокида амалга оширилади. Дафн этилган шахсларни кўчириб, қайта дафн этиш йилнинг совуқ вақтида, кундузи, амалга ошириши тавсия қилинади.

Сақланиб қолган тана қисмларини олиш ва қабрни тугатиш тўғрисида қабристоннинг дафнларни рўйхатдан ўтказиш дафтарига тегишли белги қўйилади.

27. Эксгумация – Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Қабристон гўрковлари эксгумация жараёнида қабрни лаҳадгача (тобут қопқоғигача) очиб бериш ва очилган жой (участка)ни қайта кўмиш ишларини амалга оширади.

28. Вафот этган шахснинг эри (хотини), ота-онаси, фарзандлари ва бошқа қариндошлари ёки қонуний вакили ёхуд зиммасига дафн этиш мажбуриятини олган бошқа шахс бўлмаган тақдирда ички ишлар органлари томонидан марҳумнинг шахси аниқланганидан кейин уни дафн этиш, шунингдек шахси ички ишлар органлари томонидан аниқланмаган марҳумни дафн этиш қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда Фуқароларга хизмат кўрсатиш бошқармаси томонидан суд-тиббий экспертиза давлат муассасалари билан тузилган шартнома асосида, маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобига амалга оширилади.

V. Қабрларнинг тузилиши

29. Дафн этишлар фақат ишлаб турган қабристонларда, маҳаллаларга ва оилаларга жой (участка)лар (хилхоналар) ажратилмаган холда, навбат тартибида қатор қилиб амалга оширилади.

30. Ҳар бир марҳум алоҳида қабрга дафн этилади. Қабрлар оралиғидаги

масофа узун томонлари бўйича 1 метрдан, қисқа томонлари бўйича эса — 0,5 метрдан кўп бўлмаслиги керак.

31. Ҳар бир алоҳида қабр учун ўлчами ўртача 2х1 м бўлган жой (участка) ажратилади.

Қабрнинг ўлчамлари:

а) мусулмон қабрлар учун:

айвон чуқурлиги 1,20 — 1,30 м., кенглиги 1х1 м., лаҳад оғзи 0,4 — 0,5 м., чуқурлиги 2,2 — 2,3 м.;

б) европа миллатига мансуб қабрлар:

узунлиги -2м., кенглиги -1м., чуқурлиги -тобут қопқоғигача -1,5м.;

в) вафот этган болаларни дафн этишда қабр учун жой (участка)нинг ўлчамлари тегишли равишда камайтирилиши мумкин.

32. Ҳар бир қабр устидан (“сағаналар”дан ташқари) ер сатҳидан 0,5 метр баландликда тупроқ кўтарма (тепача) (кўтарма қабрни ер усти сувларидан ҳимоя қилиш учун ундан четга чиқиши керак) ёки қабр усти плитаси бўлиши керак.

- Ер сатҳида “сағана” кўринишида барпо этиладиган мусулмон қабрлари (ер ости сувлари сатҳи юқори бўлганда) ер усти сувлари ва атмосфера ёғинларидан ҳимояланган бўлиши керак, бунинг учун ҳимоя қатлами барпо этилиши керак ва “сағана” ўлчамларининг ер сатҳида бўйига кўра 2,5 метргача, эни бўйича 1,5 метргача ва “сағана” асосидан бошлаб баландлиги 1,5 метргача бўлишига йўл қўйилади, ёзувлар учун қабр устидаги вертикал плита баландлиги 1 метргача бўлиши лозим.

33. Ҳар бир қабр тепачасига дафндан сўнг мажбурий тартибда бетон устунча ўрнатилиб, унда мазкур қабристоннинг дафнларни рўйхатдан ўтказиш дафтаридаги ёзувга мувофиқ дафннинг рўйхатдан ўтказиш рақами кўрсатилиши керак.

VI. Қабристон ҳудудини ташкил этиш

34. Қабристоннинг бутун ҳудуди ўралган бўлиши керак. Қабристонлар, одатда, сероб маҳаллий материаллардан (йиғма темир-бетон, ғишт, шлакоблок, арраланган ва бўлакланган тошлар, пахса ва бошқалардан) тикланган, баландлиги 2 метрдан паст бўлмаган, мустаҳкам тўсиққа (деворга) эга бўлиши лозим. Қабристоннинг белгиланмаган жойларидан ўтиш йўлларини очиш қатъиян тақиқланади.

35. Қабристоннинг ўлчамига боғлиқ ҳолда унинг ҳудудида қуйидаги бино ва

иншоотлар бўлиши мумкин:

маъмурий бино;

хўжалик иморатлари (омборхоналар);

жамоат ҳожатхоналари;

ишчилар учун хона;

ишчилар учун ювиниш хоналари;

маросим удумлари учун бостирма ва майдончалар;

тобут ва анжомлар сақланадиган хоналар;

ўриндиқлар, ахлат қутилари ва бошқалар.

36. Қабристоннинг маъмурий биноси унинг ҳудудида, асосий кириш жойи яқинида бўлиши керак.

37. Дафн этиш учун ва қабрни зиёрат қилишга мўлжалланган нарсалар (гуллар
ва бошқалар)ни сотиш, одатда, қабристонга кириладиган асосий эшик ёнида ташкил қилинади.

38. Барча қабристонлар телефон алоқасига эга бўлиши зарур.

39. Қабристон ҳудуди зиёратчилар ва хизмат кўрсатувчи ходимлар томонидан яшил ўсимликларни суғориш, маиший эҳтиёжларини тўлиқ таъминлашга етарли миқдорда сув билан таъминланган бўлиши керак.

Сув таъминоти сув қувури тармоғига уланиш, қабристон ҳудуди яқинида махсус қудуқлар қазиш, насос қурилмаси ўрнатиш ва яшил ўсимликларни суғориш учун суғориш сув қувури ёки ирригация тизимларини барпо этиш йўли билан, мавжуд имкониятлардан келиб чиқиб ўрнатилган тартибда ҳал қилиниши мумкин.

Айрим ҳолларда хўжалик-ичимлик суви эҳтиёжлари ва суғориш учун сув таъминоти сув ташиш усули билан ҳал этилиши мумкин.

Қабристонлар ҳудудидан хўжалик-ичимлик суви қувури ва сув тармоқлари ҳамда бошқа муҳандислик-коммуникация магистрал тармоқларини ўтказиш қатъиян тақиқланади.

40. Катта қабристонлар ҳудудида сувни очиқ манбалардан (дарёлар, кўллар, канал ва ариқлардан) ва ёпиқ сув манбаларидан (артезиан қудуқлардан) сув оладиган суғориш сув қувури тармоғини ўрнатиш, зарур ҳолларда суғориш мақсадлари учун металл сув сиғимлари ва очиқ эҳтиёт резервуарлари (ҳавзалар)

барпо этиш тавсия қилинади.

41. Қабристон ҳудуди мажбурий тартибда электр энергияси билан таъминланиши керак.

Қабристонларда кириш жойи (эшиги), бош хиёбонлар ва асосий йўллар ёритилган бўлиши лозим.

VII. Якунловчи қоидалар

42. Мазкур қоидалар талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар белгиланган тартибда жавоб берадилар.